Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TÚRKISTAN

Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 5 февраль, пайшанба, №13 (3659).

Президент

МИЛЛИЙ МАТБУОТНИНГ ҲИССАСИ ЗАЛВОРЛИ

ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ ЖУРНАЛИСТЛАРНИ МИЛЛИЙ МАТБУОТ КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Kazinform. Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев оммавий ахборот воситалари Адолатли Қозоғистонни барпо этиш, шунингдек, «Қонун ва тартибот» тамойилини қарор топтиришда салмоқли ҳисса қўшаётганига эътибор қаратди, дея хабар беради Президентнинг матбуот хизмати.

Юртбоши босма нашрлар вакилларини конституциявий ислоҳотлар, шунингдек, бутун давлат тизимини тубдан янгилашга қаратилган кенг кўламли ўзгаришлар жараёнини холис ва мазмунли ёритишда фаол, амалий иш олиб боришга чақирди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев ўз табрик мактубида қайд этганидек, миллатидан ва диний эътиқодидан қатъиназар, барча юртдошларимиз учун энг муҳим вазифа – қонунга ҳурмат, масъулиятли ва бунёдкор ватанпарварлик руҳида мамлакат эгаменлиги ва мустақиллигини асрашдир.

Давлат раҳбари мамлакатимиз журналистлари ушбу ниҳоятда муҳим жараёнда фаол иштирок этишига ишонч билдириб, уларга тинчлик-осойишталик ва ижодий муваффақиятлар тилади.

Ўлжас БЕКТЕНОВ:
Фитнанинг олди олиниши керак

Бош вазир Ўлжас Бектенов Қозоғистон Республикасининг янги Конституция лойиҳасини аҳолига кенг тарғибот қилиш масаласига оид йиғилиш ўтказди. Тадбирда Ҳукумат аъзолари ва вилоят ҳокимлари иштирок этди.

Бош вазир вазирликлар ва барча даражадаги ҳокимликларга Конституция лойиҳасини фуқароларга кенг тушунтириш юзасидан топшириқлар берди.

Йиғилишда ушбу жараёнда ёлғон маълумотлар ва сохта ахборотларга қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилди. Ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларда ҳақиқатдан йироқ, фойдаланувчиларни адаштирувчи хабарлар тарқалмоқда.

Ички ишлар вазирлигига бу каби ёлғон маълумотларни тарқатганларни қатъий жазога тортиш вазифаси юклатилди. Бу ишлар «Қонун ва тартибот» тамойилига мувофиқ амалга оширилади.

Йиғилишда мувофиқлаштирувчи – Бош вазир ўринбосари – Маданият ва ахборот вазири Аида Балаева маъруза қилди.

Primeminister.kz

ТУРКИСТОНДАН ЕВРОПАГА ЯНГИ ЙЎЛ

Kazinform. Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров хорижий сармоядор билан учрашиб, минтақада логистика марказини барпо этиш имкониятларини муҳокама қилди.

Ҳоким вилоят улкан сармоявий ва транзит-логистика салоҳиятига эга эканлигини таъкидлади.

– Туркистон «Ғарбий Европа – Ғарбий Хитой» автомагистрали бўйлаб жойлашган ва халқаро аэропортимиз ҳам мавжуд. Ушбу имкониятлардан фойдаланиб, товар айланиш ҳажмларини ошириш мумкин. Биз лойиҳаларни амалга оширишда қўллаб-қувватлашга тайёрмиз, – деди Н. Кўшеров.

Хорижий компания вакиллари маълум қилишича, Туркистон аэропорти орқали Европага 2000 тонна товар жўнатилган ва бу кўрсаткични йил давомида янада ошириш режалаштирилмоқда. Шунингдек, Туркистонни халқаро логистика маркази сифатида тараққий эттиришга қизиқиш билдирилган.

Учрашувда Туркистоннинг географик жойлашуви ва транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш, транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ҳоким вилоят раҳбарияти сармоядорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлигини ва шу каби йирик лойиҳалар минтақавий иқтисодиёт тараққиётига жўшқинлик бағишлашини таъкидлади.

Учрашув якунида лойиҳа юзасидан аниқ келишувга эришилди ва ҳамкорликни давом эттиришга қарор қилинди.

ҚОЗОҒИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР КУТМОҚДА?

Kazinform. 1 февралдан эътиборан Қозоғистонда қатор муҳим ўзгаришлар амалга татбиқ этилади. Хусусан, таълим муассасаларида кутилмаганда режадан ташқари текширувлар бошланиб, Миллий жамғармадан болаларнинг ҳисоб-рақамларига маблағлар ўтказилади. Бундан ташқари ёнғин хавфсизлигига қўйиладиган талаблар кучайтирилиб, Қозоғистон фуқаролигини олмоқчи бўлганлар тест топширади.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТЕКШИРИЛАДИ

Ҳукумат раҳбари Ўлжас Бектеновнинг топшириғига мувофиқ, 1 февралдан эътиборан, барча таълим муассасаларида «кутилмаган текширув» тамойили бўйича алоҳида назорат ва кузатув тизими жорий этилди. Бу болаларни соғломлаштириш, уларнинг хавфсизлиги ва овқатланиш масалаларини назорат қилиш имконини беради. Шу муносабат билан Соғликни сақлаш, Таълим, Маданият, Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя, Туризм ва Ички ишлар вазирликлари маҳаллий ҳокимликлар билан бирга алоҳида назорат ва кузатувга олинадиган иншоотлар рўйхатини тайёрлади.

Мамлакатда 8 мингдан зиёд мактаб мавжуд. Уларда 4,1 миллиондан ортиқ ўқувчи таълим олади. 2025-2026 ўқув йилида 363 461 ўқувчи илк бор таълим муассасасига қадам босди.

МИЛЛИЙ ЖАМҒАРМАДАН БОЛАЛАРГА МАБЛАҒЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

Миллий жамғармадан мамлакатдаги 18 ёшга тўлмаган болаларга маблағ ўтказила бошлайди. Маблағ ўтказиш 2024 йилнинг 1 январида расман ишга туширилган «Миллий жамғарма – болаларга» дастури доирасида амалга оширилади. Дастурда 2006 йилдан бошлаб туғилган ҳар бир болага Миллий жамғармадан ҳар йили маблағ ўтказиш кўзда тутилган.

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Республикада фуқаролик муҳофазаси соҳасида янги талаб жорий этилди. Иншоотлар фойдаланишга топширилмасдан аввал уларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги текширилади. Бу мажбурият қурилишга буюртма берувчига юкланади ва одамлар кўп тўпланадиган ўринларга, шунингдек, баландлиги 28 метрдан ошадиган биноларга, жумладан, кўп қаватли турар жойларга ҳам татбиқ этилади.

Хулоса ваколатли ташкилотнинг ҳудудий бўлинмалари қабул қилинадиган иншоотда ўтказилган ёнғин-техник текширув натижаси бўйича берилади. Уни бериш давлат хизматлари доирасида электрон шаклда «электрон ҳукумат» веб-портали орқали «Е-лицензия» давлат маълумотлар базасининг ахборот тизимида амалга оширилади.

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА РАҚАМЛИ ТЕНГЕ ҚЎЛЛАНИЛАДИ

2 февралдан эътиборан, давлат харидлари соҳасида қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) белгиланган рақамли тенгени қўллаш синов лойиҳаси ишга туширилади. Шу орқали янги қўшилган қиймат солиғини маъмурий бошқариш дастаги жорий этилиб, рақамли тенгедаги маблағнинг бир қисми ҚҚС қийматига тенг бўлади. У бюджетга солиқ тўлаш учун ёки бошқа солиқ тўловчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учунгина сарфланиши мумкин. Лойиҳа йил охиригача ишлайди.

ҚОЗОҒИСТОН ПАСПОРТИНИ ОЛМОҚЧИ БЎЛГАНЛАР ТЕСТ ТОПШИРАДИ

Ўтган ойда Фан ва олий таълим вазирининг буйруғи билан Қозоғистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ёки фуқаролигини тиклашда давлат тилини оддий даражада, Конституция асосларини, шунингдек, Қозоғистон тарихини билиш даражасини аниқлаш бўйича тест ўтказиш қоидалари тасдиқланди. Фуқароликка номзодлар учун тестга аризаларни қабул қилиш 3-10 февраль кунлари ўтказилади. Ариза бериш Миллий тест марказининг app.testcenter.kz сайтида ёки UTO иловаси орқали амалга оширилади. Тестнинг ўзи 11 февралда ўтказилади.

Тест 3 бўлимдан иборат:

- қозоқ тили бўйича тест (қозоқ тилида) – 30та топшириқ, ўтиш балли – 15;
- Қозоғистон Республикаси Конституциясининг асослари бўйича тест (қозоқ ёки рус тилида) – 40та топшириқ, ўтиш балли – 20;
- Қозоғистон тарихи бўйича тест (қозоқ ёки рус тилида) – 30та топшириқ, ўтиш балли – 15.
- Энг юқори балл – 100, ўтиш балли – 50. Тест вақти – 2 соат 10 дақиқа. Имконияти чекланган (ногиронлиги бор) шахсларга тест топшириш учун қўшимча 30 дақиқа берилади. Тестда қатнашиш учун 14 693 тенге тўлов амалга оширилади.

ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ ҲУДУДИ ОРҚАЛИ ЮК ТАШИШ

1 февралдан эътиборан, Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо мамлакатлар ҳудуди орқали ўтадиган юк ташишлар янги усул билан назоратга олинади. Энди икки ёки ундан ортиқ мамлакат орқали ўтадиган товарлар махсус навигацион тамға (пломба)лар орқали кузатилади. Тамғалар юк машиналари ва вагонларга ўрнатилади ва уларнинг ҳаракатини йўл давомида онлайн тарзда кузатиш имконини беради. Тизим аввал автомобиль ва темир йўл транспортида ташиладиган товарларга жорий этилади. У божхона транзити, экспорт ва ЕОИИ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо вақтида қўлланилади.

Навигацион пломбани ўрнатиш ва ишга тушириш бор-йўғи 3-5 дақиқани олади, маълумотларни тизимга киритиш эса 5-7 дақиқада амалга оширилади. Бу юк ҳайдовчилари ва тадбиркорларни қўшимча вақт йўқотишдан ҳимоя қилади.

«Nur Joly» божхона бекатида 2025 йилдан буён ушбу лойиҳа синовдан ўтказиб келинмоқда.

Туркистон

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР МОҲИЯТИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Вилоят ҳокимлигида ҚР Янги конституцияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтди. Унда вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров, маслаҳат котиби Нурали Абишов, маслаҳат депутатлари, туман ҳокимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда фаол ёшлар иштирок этишди.

Йиғилишда сўзга чиққан Конституциявий комиссия аъзоси, вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишов ушбу кенг кўламли ислоҳотлар юртимизнинг маданий ва маънавий тараққиётига янги суръат бағишлашига ишонч билдирди.

– Янги Конституция муқаддимасида Қозоғистоннинг ягона миллат экани, давлатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш, “Адолатли Қозоғистон” ғояси ҳамда “Қонун ва тартибот” тамойиллари мустаҳкамланди. Шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш, экологияни асраш, илм-фан ва таълимни, инновациялар, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, никоҳ ва оила қадриятларига оид меъёрлар кучайтирилди, – деди у.

Йиғилишда, шунингдек, вилоят Адлия департаменти раҳбарининг ўринбосари Нурлан Ербекешов янги Конституция лойиҳасида халқнинг ўрни сезиларли даражада оширилганини таъкидлади. “AMANAT” партияси Туркистон вилояти филиали раиси, вилоят маслаҳати депутати Алтинсари Умбеталиев эса янги Конституция лойиҳасида Парламентнинг таъсирини кучайтириш, маҳаллий бошқарувни ривожлантириш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Шунингдек, вилоят фахрийлар кенгаши раиси Женисбек Мауленқулов Конституция лойиҳаси юзасидан ўз таклифларини илгари суриб, ташаббусни қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Йиғилиш якунида вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров янги Конституция лойиҳаси республика референдуми орқали тасдиқланиши, конституциявий ислоҳотлар давлатнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлади.

Очиқ минбар

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАР – ЯНГИ БОСҚИЧДА

Янги Конституция лойиҳаси жамоатчиликка эълон қилинган куни Парламент Мажлисида «AMANAT» партияси фракциясининг йиғилиши ўтди.

Унда ушбу ҳужжат муҳокама қилиниб, депутатлар уни мамлакатнинг барқарор тараққиёти ва жамият бирлигини мустаҳкамлашда муҳим тарихий аҳамиятга эга, дея баҳоладилар. Фракция Асосий қонун лойиҳасини тўлиқ қўллаб-қувватлашини, уни кенг жамоатчиликка тушунтириш ва муҳокама қилиш ишларида фаол иштирок этишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Йиғилишни очар экан, Парламент Мажлиси ва «AMANAT» партияси раиси Ерлан Қўшанов янги Конституция матни жамоатчилик билан ҳамкорликда ишлаб чиқилганини, бу эса Президент томонидан олиб борилаётган «Адолатли Қозоғистон»ни барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий давоми эканини таъкидлади.

– Янги Конституция халқ билан очиқ мулоқот асосида шакллантирилди ва жамиятнинг манфаатларини ифодалайди. Шу боис уни «Халқ Конституцияси» деб аташга тўлиқ асос бор. У мамлакатнинг барқарор тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор бўлиб, миллатимизни бирлаштирувчи омилга айланиши керак. Янги Конституция лойиҳасининг ҳар бир моддаси ва меъёрини фуқароларга кенг ва тушунарли тарзда изоҳлаш – муҳим вазифамиздир. «AMANAT» партияси бу ишнинг марказида бўлиши шарт. Бу – бизнинг тарихий масъулиятимиз, – деди Ерлан Қўшанов.

Партия раиси Конституция лойиҳаси Миллий жамоатчилик ишончи кенгаши, Миллий қурултой, Қозоғистон халқи Ассамблеяси каби майдонларда ҳокимият ва жамият ўртасида ўтган очиқ ва мазмунли муҳокамалар натижасида ишлаб чиқилганини таъкидлади. Шунинг учун янги Конституция муқаддимасига сўнгги йилларда ҳар бир қозоғистонлик учун яқин бўлган қадриятлар – «Қонун ва тартибот», «Адолатпарвар фуқаро», «Тоза Қозоғистон» тамойиллари асос қилиб олинди. Бу ғоялар Конституциянинг барча меъёрларига сингдирилиб, мамлакат келажаги учун мустаҳкам маънавий-ҳуқуқий асос яратади.

Ерлан Қўшанов мамлакатнинг бўлажак қонунчилик идораси – Қурултой масаласига ҳам алоҳида тўхталди. Лойиҳага кўра, янги, бир палатали Парламент кенг ваколатларга эга бўлиб, ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанат тизимини тубдан янгилайди. Қурултойнинг фақат партия рўйхатлари асосида шакллантирилиши аҳолининг барча қатламлари манфаатларининг кенг ва масъулиятли ифодаланишини таъминлайди.

Янгиланган Қурултой Президент илгари сурган «Кучли Президент – нуфузли Парламент – ҳисобдор Ҳукумат» тамойилига мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади.

Шунингдек, Мажлис раиси Давлат раҳбарининг Халқ кенгашини ташкил этиш юзасидан киритган таклифини ўз вақтида ва долзарб ташаббус сифатида баҳолади. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган мазкур янги институт жамиятнинг барча қирраларини – этнослар, конфессиялар ва ҳудудларни инобатга олган ҳолда пухта давлат қарорларини қабул қилиш имконини беради. Бу эса барқарорлик, уйғун тараққиёт ва «бирлигимиз – хилма-хилликда» тамойилини мустаҳкамлайди.

Илк бор мамлакатни замонавийлашув асосига инсон капитали тараққиёти қўйилмоқда. Бу давлатнинг барча захиралари фуқаролар салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилганини англатади. Ушбу илғор ғоя Президент қарорларида изчил намоён бўлиб келган ва энди Конституция даражасида мустаҳкамланмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар янги Конституциядаги илғор янгиликлар бўйича фикр алмашдилар. Хусусан, пропорционал сайлов тизимининг жорий этилиши сиёсатчилар масъулиятини ошириши таъкидланди. «Қонун ва тартибот» тамойили жазодан эмас, оиладаги тарбиядан бошланиши, инсон ва унинг ҳуқуқлари давлатнинг устувор қадрияти сифатида белгилаб қўйилгани қайд этилди. Шунингдек, янги Конституция фуқаролик ватанпарварлигининг етук моделини шакллантириши, бир палатали Парламент қарорлар қабул қилишда тезкорлик ва очиқликни таъминлаши, илм-фан, таълим ва инновацияларнинг асосий бойлик сифатида эътироф этилиши алоҳида таъкидланди.

Депутатлар бўлажак кенг кўламли конституцион ислоҳотларнинг юксак аҳамиятини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Алтинсари УМБЕТАЛИЕВ,
«AMANAT» партиясининг Туркистон вилояти филиали раиси, Туркистон вилояти маслаҳатидаги партия фракцияси раиси.

Ақтўбе вилояти делегацияси – Алға тумани ҳокимлиги вакиллари ҳамда “Ажар агро” деҳқон хўжалиги раҳбарларидан ташкил топган гуруҳ хизмат сафари билан Сайрам туманига ташриф буюрди.

САЙРАМ ТУМАНИ ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Сафардан кўзланган асосий мақсад – ҳудуднинг илғор корхоналар фаолияти билан яқиндан танишиш, қишлоқ хўжалигида жорий этилган илғор технологияларни ўрганиш ҳамда тажриба алмашиш эди. Меҳмонлар Сайрам туманидаги қатор йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан таништирилди. Хусусан, делегация сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Айкан” заводи фаолияти билан танишди. Мазкур завод бир кеча-кундузда 100 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга, айни пайтда қарийб 80 нафар кишини доимий иш ўрни билан таъминламоқда.

Шунингдек, гуруҳлар сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи “TAYIBA” заводида бўлди. Ушбу корхона бир кеча-кундузда 50 тонна маҳсулот ишлаб чиқаради ва бу ерда ҳозирги кунда 50 нафар ишчи-ходим доимий иш билан таъминланган.

“YUG-GROUP-INVEST” МЧБ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайди. Корхона йил давомида 9600 тонна маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу ерда сариёғ, пишлоқ, йогурт ва қатиқ каби сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Бундан ташқари, делегация ўсимлик мойи ишлаб чиқарувчи “Иптикар” заводи фаолияти билан ҳам танишди. Корхонада 23 нафар ишчи меҳнат қилмоқда, йилига 10 минг тонна ўсимлик мойи ишлаб чиқарилади. Сафар поёнида томонлар ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш, сармоя жалб этиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Сайрам тумани ҳокимининг матбуот хизмати.

ҚИЗ ОЛИБ ҚОЧИШ ВА ТАЪҚИБГА ҚАРШИ ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Вилоятимизда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган профилактик табдирлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, доимий таъқиб ҳамда қиз олиб қочиш каби қонунга зид ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоят полиция департаменти Жамоат хавфсизлиги бошқармаси Оилавий-маиший зўравонликка қарши кураш бўлими катта нозири Айгерим Жарқинбекнинг таъкидлашича, доимий таъқиб ва қиз олиб қочиш шахснинг эркинлиги ва дахлсизлигига тажовуз қилувчи жиноятлар қаторига киради.

– Бугунги кунда жамиятимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устувор вазифа ҳисобланади. Шу боис, вилоят ҳудудида олиб қочиш қурбони бўлган қизларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Қонунчиликка мувофиқ, шахснинг розилигисиз у билан алоқа ўрнатиш ва уни таъқиб қилиш орқали жиддий зарар етказилса, 200 ОҲКгача миқдорда жарима солиш ёки 200 соатгача жамоат ишларига жалб этиш ёки 50 кеча-кундузгача қамоқ жазоси қўлланилади. Қонунчиликка мувофиқ, қиз олиб қочган шахслар 2 йилгача озодликдан маҳрум этилиши ёки 2 000 ОҲКгача миқдорда жаримага тортилиши мумкин, – деди нотиқ.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ: ҲУҚУҚ, БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Бугунги кунда Қозоғистонда тахминан 7 миллион бола истиқомат қилади. Бу мамлакат аҳолисининг учдан бир қисмидан зиёдини ташкил этади. Болаларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш бугунги кунда давлат имижининг устувор йўналишига айланди.

Шу мақсадда Қозоғистон ҳукумати Президент топшириғига биноан, 2026-2030 йилларга мўлжалланган “Қозоғистон болалари” концепциясини тасдиқлади. Лойиҳа болалар ҳуқуқи ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Ҳужжат доирасида амалга ошириладиган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмуни ва аҳамияти ҳақида “ОИТСдан болаларни муҳофаза қилиш” хайрия жамоат жамғармаси президенти, Шимкент шаҳар бола ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича 2022-2024 йиллардаги омбудсмани Жанетта Жазиқбаева ҳикоя қилади:

– “Қозоғистон болалари” концепциясида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари болалар ва болали оилаларни тизимли қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ чоралар ва дастаклар белгиланган. Лойиҳа қатор муҳим вазифаларни ўз олдига қўяди. Шу жумладан: болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг жисмоний ва руҳий хавфсизлигини таъминлаш, сифатли таълим ва соғликни сақлаш хизматларига тенг кириш имкониятини яратиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда болали оилаларга ижтимоий ёрдамни кучайтириш, болаларнинг интернет тармоғидаги рақамли хавфсизлигини таъминлаш, зўравонлик ва таҳқирлашдан ҳимоя қилиш, имконияти чекланган ва ижтимоий заиф гуруҳларга мансуб болаларни қўшган ҳолда, барча болалар учун тараққиёт шароитларини таъминлаш кўзланган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, концепция белгиланган тўрт устувор йўналишни қамраб олади: хавфсизлик, таълим, соғликни сақлаш, шунингдек, оилавий ҳаёт ва ижтимоий муҳофазаланиш ҳуқуқи. Унинг амалга оширилиши ва дастакларига эътибор қаратинг – унда қонунчиликни такомиллаштиришдан тортиб, жойлардаги амалга ошириладиган дастурларгача бўлган 158та чора-тадбир белгиланган. Самарадорлик 10та асосий кўрсаткич орқали баҳоланади. Умумий молиялаштириш ҳажми 1,3 триллион тенгени ташкил этади.

– Амалга ошириладиган ишларга тўхталсангиз.

– Лойиҳа доирасида қуйидаги асосий чора-тадбирлар назарда тутилган. Мактабларда болаларнинг ҳиссий ва хулқ-атвор муаммоларини эрта аниқлаш мақсадида педагог-руҳшунос соатини жорий этиш, айниқса, қишлоқларда болалар учун қўшимча таълим, тўгараклар ва ўзини намоён қилиш имкониятларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, зўравонликдан жабр кўрган болалар учун ёрдам хоналарини очиш, ягона рақамли муҳит ташхиси дастурини яратиш, AI технологиялари орқали видеокузатув тизимларида зўравонлик ҳолатларини аниқлаш назарда тутилган.

– Оиладаги, жамиятдаги ижтимоий муҳофаза борасида болаларга қандай амалий ёрдам кўрсатилади?

– Кадрлар салоҳиятини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Руҳшунос ўқитувчиларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш, кўп болали оилаларга манзилли ижтимоий ёрдамни кучайтириш, ижтимоий ва тиббий тиклаш чораларининг кенгайтирилишига алоҳида аҳамият қаратилади. Жумладан, болалар саломатлигини тиклаш хизматларини ҳам қамраб олади. Ҳужжат концепциявий соҳавий вазирликлар, Болалар ҳуқуқлари бўйича вакил ҳамда бошқа давлат идоралари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Бу эса барча бошқарув даражаларида идораларо мувофиқлашувни таъминлаб, чора-тадбирларни изчил амалга ошириш имконини беради.

– Ушбу ҳужжатнинг халқаро нуфузи қандай?

– Концепция ҳалқаро ҳамкорлар томонидан ижобий баҳоланган. ЮНИСЕФ ушбу дастурни Қозоғистондаги миллионлаб болалар фаровонлигини яхшилашга қаратилган мажмуавий стратегия сифатида эътироф этди. БМТнинг болаларга нисбатан зўравонлик масалалари бўйича махсус вакили ҳужжатни бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида баҳолаб, давлатнинг бола ҳуқуқларини муҳофаза қилишга содиқлигини акс эттиришини таъкидлади.

– Унинг юксак аҳамияти нимада акс этмоқда?

– Мамлакатимизнинг 34 фоиз аҳолисини болалар ташкил этади. Уларнинг яшаш шароити эса давлатимиз келажагини белгилайди. “Қозоғистон болалари” ҳар бир боланинг хавфсиз, қўллаб-қувватловчи ва тараққиётига хизмат қиладиган муҳитда улғайишини, тенг имкониятларга эга бўлишини ҳамда ҳуқуқларнинг сифатли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган. Мамлакатимизда болани тарбиялаш ва ривожлантиришда ота-онанинг ўрни қонунчилик даражасида мустаҳкамланган. Ушбу мажбуриятлар ҚР Конституцияси, Никоҳ ва оила кодекси ҳамда “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган. Ота-оналар мажбуриятлари ҳам аниқ кўрсатиб берилган: улар болаларни тарбиялаши ва моддий жиҳатдан таъминлаши, боланинг соғлиги ва хавфсизлиги ҳақида ғамхўрлик қилиши, жисмоний, руҳий ва маънавий-ахлоқий ривожланиши учун зарур шароит яратиб бериши жоиз. Ота-оналар боланинг мажбурий ўрта таълим олишини таъминлайди, шунингдек, унинг хулқ-атвори ва қаердалигини назорат қилиб боради. Қонунчилигимизда ота-оналик мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун маъмурий ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик назарда тутилган. Мактаб низоми, хулқ-атвор қоидалари ҳамда мактаб либоси талабларига риоя қилиш таълим жараёнининг муҳим қисми ҳисобланади. Хуллас, оила ҳамда мактаб болалар тарбиясида ҳамкорларга айланишади. Энди ота-оналар фарзандларининг саломатлиги, хулқ-атвори учун масъулиятни мактаб зиммасига ортиб қўя олмайди. Фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали биз масъулиятли ва муваффақиятли авлодни тарбиялай оламиз.

М. САЪДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

Обуначиларимиз орасида

Саврон тумани Янги Иқон қишлоғидаги энг кўҳна ўқув даргоҳи, 1985 йили қурилиб, фойдаланишга берилган Улуғбек номли мактабга янги директор тайинланди. Бу лавозимга 38 ёшдаги тажрибали устоз Мадияр Берикули Тасирбаев (тасвирда) лойиқ деб топилди.

УЛУҒБЕК НОМЛИ МАКТАБДА ЯНГИ ДИРЕКТОР

М. Тасирбаев 1988 йили 28 октябрда Қизилўрда вилояти Жанақўрғон туманида таваллуд топган. 1997 йили оиласи билан Янги Иқон қишлоғига кўчиб келди. Улуғбек номли мактабда ўқиди. Туркистон шаҳридаги этнопедагогика коллежи ҳамда А. Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университетини математика фани устози ихтисоси бўйича тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 2009 йили ўзи ўқиган Улуғбек номли мактабда математика ўқитувчиси бўлиб бошлади. Билими, ташкилотчилик қобилияти шарофати билан ташкилотчи педагог ҳамда директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари бўлиб самарали меҳнат қилди. Ютуқлари туман ва вилоят миқёсида муносиб тақдирланган. Оиласида уч ўғил, икки қиз тарбияламоқда. Бўш вақтида футбол билан шуғулланади.

Ушбу ўқув даргоҳида турли йилларда тажрибали раҳбарлар Муҳит Камолов, Аблайхан Қурманбеков, Ўткир Қудретов каби “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасида фаол обуначиларимиз директор бўлиб ишлашди. 2026 йилнинг биринчи ярмига обунани ташкил этиш масаласида қишлоқ ЎЭМБ раиси Ўсар Неъматуллаев, вилоят оқсоқоллар кенгаши ҳайъати аъзоси Бобожон ҳожи Ёқубов, фахрий устоз, ҳар ҳафта газеталарни ҳамқишлоқларига етказиб, холис савобга эга бўлаётган Олим Қосимовлар билан биргаликда мактабга ташриф буюрганимизда М. Берикули қабуллаб, кутубхона мудираси Аяжон Исмоилова ҳамда мактаб жамоаси билан ҳамкорликда 50 нусха “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасига ташкилий кўмак кўрсатганлигини миннатдорчилик билан эътироф этамиз.

Янги йилни масъулияти мўл янги лавозимда бошлаган директор Мадияр Берикулига мустаҳкам саломатлик, омад ҳамда устозлар жамоаси билан ҳамкорликда янги зафарларга эришишига тилакдошмиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

ҒАЙРАТ УСТОЗНИ МУБОРАКБОД ЭТИБ

Сўзоқ қишлоғидаги тажрибали устоз Бейсен Талғат Қайбилдаули раҳбарлик қилаётган 1-сонли ҳунар-техника коллежида 37 йилдан буён самарали меҳнат қилаётган Ғайрат Мардон ўғли Валибоев янги йилнинг биринчи ойида олтмишнинг олтин остонасига қадам қўйди. Камтарин, серғайрат ва тажрибаси мўл устозни самимий муборакбод этамиз.

У 1966 йили 3 январда Сўзоқ қишлоғида дунёга келди. В. И. Ленин номли мактабни битиргач, Сўзоқдаги собиқ 51-сонли техника билим юрти, ҳозирги 1-сонли коллежга ўқишга кирди. 1984 йили ушбу ўқув даргоҳини муваффақиятли тамомлагач, Совет Армияси сафидаги ҳарбий бурчини адо этишга отланди.

1986 йили Туркистон шаҳридаги индустриал педагогика техникумига ўқишга кириб, “Техник-механик, ишлаб чиқариш устаси” ихтисоси бўйича битирди. 2004-2007 йилларда Туркистон гуманитар педагогика институтида касб ҳунар-ихтисоси бўйича билим олди. 1989 йилдан то бугунгача – 37 йил бадалида бир пайтлари ўзи ўқиган ўқув даргоҳида махсус фан ўқитувчиси бўлиб самарали меҳнат қилмоқда.

Шу йиллар давомида вилоят таълим бошқармаси, касаба уюшмаси, туман ҳокимияти томонидан ёш авлод тарбияси ҳамда ҳунар таълимида эришган залворли ютуқлари учун кўплаб ташаккурномалар билан муносиб тақдирланди. Унинг шогирдлари вилоят коллежлари орасида ўтказилган турли мусобақаларда теран билими, тиришқоқлиги боис совринли ўринларни эгаллаб, мукофотларга ноил бўлган.

Оила – муқаддас қўрғон. Умр йўлдоши Гулнора Аметова билан Гулжаҳон, Зилола, Сардор, Муниса исмли қобил фарзандлар тарбиялаб, барчасини олий маълумотли этган. Улар турли соҳаларда эл равнақи йўлида хизмат қилмоқда. Бахтли ва аҳил оилада 11 нафар ширин-шакар неваралар камол топмоқда.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Ғайрат Мардон ўғли; оила даврасида.

P.S. ***Туркистон вилоятининг ибратли фуқаролари – Муҳаммаджон Бобоев раҳбарлик қилаётган туман ЎЭМБ, коллеж директори ўринбосари Руслан Атажиев, барча ҳамкасблари Ғайрат Мардон ўғли Валибоевни 60 ёш шукронаси ила самимий муборакбод этиб, мустаҳкам саломатлик, саодат ва янги зафарлар тилайди. Таҳририят ҳам шу холис тилаклар ижобатига тилакдош.***

Маориф

ЭҲТИРОМ ВА ХОТИРА АЙЁМИ

Сайрам туманининг Манкент қишлоғидаги Иброҳим ота номли мактабда “Эслаб...эслаб...” мавзуида маданий маърифий тадбир ўтди.

Кечада узоқ йиллар таълим соҳасида фидокорона меҳнат қилган, бугун эса нафақада ёки турли таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган устозлар эъзозланди. Тадбирни таниқли театр ва кино артисти, Шимкент шаҳар ўзбек драма театри директори вазифасини бажарувчи Рустамхўжа Саидхўжаев олиб борди. У самимий сўзлари, ўринли ҳазил ва латифалари билан даврага илиқ кайфият бағишлади.

Тадбир ташаббускори – мактаб директори Феруза Мурод қизи таълим соҳасига давлат томонидан қаратилаётган доимий эътирофни таъкидлаб, устозлар тажрибаси бугунги таълим жараёни учун бебаҳо эканлигини алоҳида қайд этди. У тадбир иштирокчилари – 50 нафар устозга самимий тилакларини изҳор этди.

Тадбирда иштирок этган мактабнинг собиқ директори Музаффар Абдусатторов, шунингдек, Абдуфаттоҳ Сайданов, Саида Жонназарова, Азиза Худойқулова, Ҳабиба Бобонова, Баҳодир Қулаҳмедов каби фахрий устозлар кўрсатилаётган эҳтиром ва эътибор учун мактаб раҳбарияти ва жамоага миннатдорчилик билдирдилар.

Бошланғич синф ўқувчилари ижросидаги куй ва рақслар даврага файз бағишлади. Тадбир тўкин дастурхон атрофида давом этиб, меҳмонларга мактаб маъмурияти номидан совғалар улашилди.

З. МЎМИНЖОНОВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

БИЗ СИЗГА ЎХШАЙМИЗ, БОБОЖОН!

Уруш. Бу сўзнинг замирида чексиз алам, изтироб, мангу соғинч мужассам. Унинг жароҳати умрбод азоб беради, нафрат ва қон билан ёзилган оғриқ эса ҳануз ҳукмрон.

“Ғалаба”га эришилгунча, миллионлаб ҳамюртларимиз ҳалок бўлди. Тирик қолганлари эса элга, ўз яқинлари бағрига қаҳрамон бўлиб қайтдилар.

Ўтган йили Ғалабанинг 80 йиллигини қарши олиш уруш кўрган оталаримизнинг кўпчилигига насиб этмади. Уларнинг сафи кун сайин сийраклашиб, ёшлари 100дан ошган нуронийларимиз орамизда умргузаронлик қилмоқда.

Ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор топган, фарзандлари камолию, яқинлари ардоғида яшаб, Ғалаба байрамларини нишонлаш насиб этмаган яна бир камтарин инсон Йўлдошбой Шарифбоевни ёдга оламиз.

1923 йил 5 сентябрда Шимкент шаҳридаги Қўштегирмон даҳасида оддий меҳнаткаш оилада дунёга келган Йўлдошбой ота оғир меҳнатда тобланган ҳақиқий меҳнаткаш инсон эди.

Уруш сўзи ҳар бир хонадонга кирди. Ёш, навқирон йигитлар урушга отланди. 1943 йилда дўстлари ва тенгдошлари қаторида фронтга йўл олган Йўлдошбой ота Биринчи Украина фронти таркибида жасорат кўрсатди. Жангларнинг бирида оддий аскар оғир яраланди. Госпиталда даволаниб чиққач, яна фронтга йўл олди. Душманнинг дайди ўқи танкка қарши артиллерия командири Й. Шарифбоевни ўнг кўзидан яралайди. Фронтдаги қийинчиликларни метин бардоши билан енгган отахон душман қўлига тушиб қолганини шундай хотирларди: “Польша мудофаасида душман қўлига тушдим. Икки қўлим орқада, немис елкамга милтиқ ўқталиб келяпти. Бирон чорасини топиб, қочишни ўйлайман. Бирдан ерга қуладим, орқамдаги немис ҳам устимга қулади ва ўзини эплаб олгунча, қўнжимдаги ханжарни унга ўқталдим. Кутилмаган ҳаракатимдан газанда ура қочди, ортидан етиб олиб, асирга олдим ва уни қисм командирига топширдим”.

Қадрдон командирнинг совғаси – ханжар уни ўлимдан сақлаб қолди. Ва у бу ханжарни урушдан сўнг уй тўрида сақлади.

Урушга кетгунга қадар математикадан сабоқ берган отахон Ғалабадан сўнг қадрдон юртига қайтди ва яна севимли касбини давом эттирди. У нафақат математик, балки ҳарбий таълимдан ҳам дарс берди. Қолаверса, малака ошириш курсларида ўқиб, мол дўхтири касбини ҳам эгаллаб, 7-8 йил ишлади.

Маориф соҳасида кўп йиллар фаолият юритган Йўлдошбой Шарифбоевнинг меҳнатлари таҳсинга сазовор, ҳар қандай улкан мукофотларга лойиқ эди. Аммо ўта камтарин инсон ҳеч қачон ўз меҳнатини эътироф этилишини сўрамаган, унинг ҳарбий кийимида “Германия устидан қозонилган Ғалаба учун” ҳамда юбилей медалларигина бор, холос.

Йўлдошбой ота умр йўлдоши Тожой ая билан 4 ўғил ва 3 қизни вояга етказди. Бир ўғли ва уч нафар қизи ота касбини улуғлаб келмоқда.

Сабр-бардош, қатъиятлик, мустаҳкам ирода ва камтаринлик фазилатлари мужассам Йўлдошбой Шарифбоев 1992 йилда вафот этди. Унинг ортидан бебаҳо хазина – авлод давомчилари бор. Улар бобоси билан фахрланадилар.

Нурли кунларни армуғон этган ота-боболаримизнинг жасорати бизга доимий ибрат ва сабоқ мактаби бўлиб қолаверади.

Мухтабар ҚАНОАТ қизи.

Обуначиларимиз орасида

“ТАҢ НУРЫ” ШИФО МАСКАНИГА МИННАТДОРЧИЛИК

Вилоятимизнинг Тулкибош тумани Кемербастау аҳоли манзилида жойлашган, 50 ўринли “Таң нұры” санаториясида Алмати, Шимкент, Саврондан келган юртдошларимиз билан мириқиб, ҳордиқ чиқариб, даволандик.

Қанд диабети, қон босими ва яна кўплаб хасталикларни даволашда тенгги йўқ маскан экан. Тадбиркор Нуржигит Қалмирзаев бунёд этган ушбу шифо масканида олий тоифали кардиолог-шифокор Садиқ Мақсутули, зал мудири Ануар Мирҳакимов, ҳамширалар Гулназ Сабирали, Перизат Елубек қизи, Гулбадана Сихимбекова ҳамда уқаловчи Қурманбай Нурғиса каби қўли енгил шифо улашувчи инсонлар саъй-ҳаракатлари ила саломатлигимизни тикладик. Аҳил жамоага мижозлар номидан миннатдорчилигимиз мўл.

Мирзахон АДҲАМОВ,
Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

Тасвирларда: “Таң нұры” санаториясининг шифокор-ҳамширалари даврасида.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти фаол жамоатчи мухбиримиз, фахрий темирйўлчи Эркин Абдунақибовга умр йўлдоши, меҳнат фахрийси Раҳимжон Назарҳоновга опаси

Марҳабохон МУРОД қизи-

нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилиб, ҳамдардлик билдиради.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Обуначиларимиз орасида

ЯНГИ ИҚОН ҚИШЛОҒИ ОҚСОҚОЛЛАРИ САРДОРИ

Саврон тумани Янги Иқон қишлоғида ҳисобчи ва раҳбар лавозимларида самарали меҳнат қилган кўп йиллик эътиқодли муштарийларимиздан бири Азизхон Абдуғаффоров (тасвирда) саксон ёшга тўлди.

А. Абдуғаффоров 1946 йили 4 февраль куни деҳқон оиласида таваллуд топган. Мактабдан сўнг Тошкент шаҳридаги ҳисоб-аудит техникумида таҳсил олди. Меҳнат фаолиятини 1963 йили Ангрен шаҳридаги давлат банкида бухгалтер бўлиб бошлади. Ишлаш баробарида Тошкент халқ хўжалиги институтини 1969 йили иқтисодчи ихтисоси бўйича сиртдан ўқиб, тамомлади. 1966 йилдан қадрдон қишлоғидаги “Интернационал” жамоа хўжалигида ҳисобчи, раис ўринбосари, бош иқтисодчи бўлиб меҳнат қилди. 1988 йили хўжалик партия қўмитаси котиби, колхоз раисининг ижтимоий-сиёсий соҳалар бўйича ўринбосари бўлиб

ишлади. 1999-2006 йиллар оралиғида Янги Иқон қишлоқ округи ҳокими лавозимида меҳнат қилди. 2009 йилдан нафақада. Жамоат ишларида фаол. Қишлоқ кенгашида халқ депутати, халқ назорати қўмитаси раиси, Улуғбек номли мактабда ота-оналар қўмитаси раиси бўлди. 2012 йилдан Янги Иқон қишлоқ округи оқсоқоллар кенгаши раиси сифатида эл бирлиги, равнақи, ёшлар тарбияси, давлат сиёсатини тарғиб қилишдек кўламдор ишлар билан банд. Меҳнатлари муносиб баҳоланган. Туман, шаҳар, вилоят ҳокимликлари, ҚР қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Дўстлик” ҳамжамиятининг “Ташаккурнома” ва “Мақтов ёрлиқлари” билан, 2004 йил якунига кўра, “Йил одами” ҳамда ҳамқишлоқлари тавсияси ва туман ҳокими Мақсат Танғатаров қарори билан “Саврон туманининг фахрий фуқароси” унвони билан тақдирланган.

Умр йўлдоши Зина Муҳаммаднаби қизи билан олий маълумотли қобил фарзандлар тарбиялаб, невара, эваралар кўрган пири бадавлат оила соҳиби. Фарзандлари Зумратой, Исломбек ўқитувчи, Зулайҳо ва Ботирхон (фан номзоди) шифокор, ўғли Акмал хусусий тадбиркор. Ҳаётини қадрдон замин равнақига бахшида этиб, айни пайтда Балтабай Жарилқасин раҳбарлик қилаётган Саврон тумани оқсоқоллар ҳайъатига қарашли Янги Иқон қишлоқ оқсоқоллари сардори сифатида жамоат ишларида фаол.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: туман ҳокими М. Танғатаров фахрий фуқаро унвонини тақдим этган онлар; қишлоқ ҳокимлигидаги тадбирда; оила даврасида; шогирдлари билан бирга.

P.S. *Туман ва қишлоқ ЎЭМБ, оқсоқоллар ҳайъати, Янги Иқон қишлоқ округи ҳокими Тоҳир Абдаев, бўлим мудири Бўстон Тожиддинов, шогирдлари, Улуғбек номли мактаб ота-оналар қўмитаси, ҳамқишлоқлари ҳаётини қадрдон замин равнақига бахшида этган меҳнат фахрийси Азизхон Абдуғаффоровни саксон ёш шукронаси ила муборакбод этиб, мустаҳкам саломатлик, фарзанд, невара, эвара, чеваралар тўйларида бош-қош бўлиш саодатини тилайди.*

“Жанубий Қозоғистон” газетаси таҳририяти ҳам фаол муштарийсига аталган ушбу холис ниятлар ижобатига тилакдош.

Қадрият

Халқимизнинг турмуш даражасини юксалтиришда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали оила фаровонлигини таъминлаш мамлакатимиз сиёсатидаги устувор йўналишларидан бирига айланган. Мустақиллик хотин-қизларимизга ўз иқтидори, салоҳиятини юзага чиқариш, жамиятда ўз ўрнини топиш имкониятини берди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида тадбиркорлик туфайли мамлакатимизнинг шу даражада тараққий этишини тасаввур қилиш қийин эди, аммо сўнгги йилларда кичик ва ўрта тадбиркорликни йўлга қўйган юртдошларимизнинг муваффақиятлари бунга далил.

Бугун аёл нафақат меҳрибон она, балки жамиятда фаол иштирокчи ва ташаббускор сифатида ҳам ўзини намоён қилмоқда.

Тадбиркор-чевар Раъно Нажмиддинова @najimiddinova_rano саҳифаси орқали ижтимоий тармоқда фаол.

ИШБИЛАРМОНЛИК, ФИДОЙИ МЕҲНАТ СОҲИБАСИ

Раъно Нажмиддинова 1987 йилда Маҳмуджон ва Муҳаббат Мусаметовлар оиласида туғилган. 21-сонли Чехов мактабида таҳсил олган Раъно ёшлигиданоқ бичиш-тикишга қизиқарди. Шу боис, мактабдан сўнг, “Мерей” касб-ҳунар коллежида модельер-дизайнерлик факультетини тамомлади. Турли бичимдаги кўйлаклар тикиб, яқинларига қувонч улаша бошлаган. 2006 йилда Ғуломжон Нажмиддинов билан оила қуради. Фарзандлари Чаросхон, Зоҳиджон, Дилшодбек ва Умиджонларни тарбиялашмоқда. Турмуш ўртоғи Ғуломжон ҳайдовчи, Қозоғистон-Россия ўртасида юк ташийди.

– Севган касбингиздан завқ оласизми?

– Албатта. Айниқса, эзгу ниятлар билан оила қураётган ёшларга фойдам тегаётганидан хурсанд бўламан. Чунки азалдан юртимизда қўл меҳнати, асосан, тикувчилик қадрланган. Бувимдан, онамдан ўрганган касбимни ҳаётда давом эттириб, кам бўлмаяпман. Айниқса, қайнонам Зоҳида аядан миннатдорман. Миллий ва замонавий матолардан кўрпача, ёстиқ, улар учун жилд, тўшаклар тикамиз. Баъзи харидорлар тайёр маҳсулотни сотиб олишади, айримлар ўз газламаси билан келиб, тикиб беришимизни сўрашади. Ҳар бир ишнинг ўз қийинчилиги, машаққати, молиявий томони бўлади, – дейди чевар келин.

Раъно қайнота ва қайнона билан катта уйда 8 йил бирга яшаган. Қайнонаси нафақага чиққунга қадар тикувчилик фабрикасида меҳнат қилган. Уйда ҳам буюртма асосида кўрпа-кўрпача қавиб сотарди. Бу Раъно учун айни муддао бўлди. Қайнонасидан кўрпачаларга пахта солишни, қавишни ўрганди. Аста-секин бу ҳунарнинг сир-асрорларини жуда яхши ўрганди.

– Ойижоним “Тикувчиликда олтин қоида бор: ишингиз пахта ва тоза бўлса, харидорнинг ўзи сизни излаб топади”, дерди. Турмуш ўртоғим оилада тўнғич фарзанд бўлгач, янги уйга кўчиб чиқдик. Энди оила тебратиш, турмуш ўртоғимга ёрдам бериш менинг ҳам зиммамда эканлигини яхши билардим. Мустақил иш бошладим, – дейди Раъно.

У кўп йиллик доимий мижозларининг буюртмаларини сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилади. Қолаверса, у ўз маҳсулотларини ижтимоий тармоқлар орқали реклама қилиб, буюртмалар олади. Замон талабига мос тикувчи бўлиш учун Тошкент шаҳрида маҳорат сабоқларида иштирок этиб, махсус курсларда таҳсил олган. Кўрпа-кўрпача, турли безакдаги ёстиқлардан ташқари, қўл меҳнати билан тайёрланадиган соч тўғноғичлари ва яна кўп буюмлар ясашни ҳам йўлга қўйган.

– Ишда сонга эмас, сифатга эътибор қаратиш кераклигини қайнонам бот-бот такрорлаб, насиҳат бериб турадилар. Шу боис, ҳар бир маҳсулотни вақтида пухта ва сифатли тайёрлашга ҳаракат қиламан. Фарзандларимга ҳам шуни ўргатаман. Чунки маҳсулотларимиздан одамлар кўп йиллар фойдаланади. Шу боис, гигиеник талабларга ҳам мос бўлиши керак.

– Тадбиркорлик, ишбилармонлик давр талаби, шундайми?

– Албатта, ҳаётда бирор эзгу мақсадни амалга ошириш учун инсонда пок ният ва ҳаракат бўлиши шарт. Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланган одам кам бўлмайди. Шунча имконият бўла туриб, меҳнат қилмаслик умрга хиёнат, деб ўйлайман. Ўғил-қизларимиз вояга етмоқда. Уларга яхши таълим-тарбия бериш, қиз узатиш, келин олиш каби ширин орзуларни рўёбга чиқариш учун астойдил меҳнат қилиш керак. Шунда рўзғор бут, кўнгил хотиржам, оилада фаровонлик ҳукмрон бўлади.

Дарҳақиқат, аёл табиатан тадбиркор, ишбилармон, ташкилотчи. У мўъжизакор қудратга эга. Чевар-тикувчи Раъно Нажмиддинова фидойи меҳнати билан ўзгаларга ибрат.

Мухтабар УСМОНОВА.

Китобхон халқ ҳақида

- *Қайсики, халқ китоб ва газета ўқишдан тўхтаса, у халқнинг онгини сунъий идрок (бошқалар онги ва маданияти) бошқара бошлайди.*
- *Халқини китобхонликка чорлаётган ҳокимият халқ қаршисида сўз билан эмас, амалиёт билан гапиради.*
- *Китобхон жамиятнинг саволлари кўп ёшлари, жавоблари тайёр кексалари, айбини тан оладиган мансабдорлари, ўз она тилини севдириб алла айтадиган оналари бўлади.*

- *Китоб жамиятнинг виждони, китоб ёзадиган ижодкорлар эса, шу юртнинг кўзгуларидир.*
- *Китобхон жамиятда очлик учун эмас, маънавий озуқа учун кураш ҳукмрон бўлади.*
- *Халқ китобхонликни муҳим эмас, деб ҳисоблар экан, фарзандларини бошқа юрт ҳақиқати ва маданияти бошқаради.*
- *Энг тезкор ва ижобий ривожланаётган миллат китоб ўқийдиган миллатдир.*

Лола ХУШВАҚТЗОДА.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари: **Муроджон АБУБАКИРОВ**. **Авазхон БЎРОНБОЕВ.**

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – **Шомирза МАДАЛИЕВ.** +7701-610-51-22
Қазиғурт – **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42
Сайрам – **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90
Тулкибош – **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал – **Мухтабар УСМОНОВА.** +7701-257-36-97
Келес, Сариоғоч – **Малика ЭЛТОЕВА.** +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – **Рўзиохун МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● *Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.*
● *Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳкўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 10600 нусха.

Буюртма: 239.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.